

Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

“06” 01 2022 йил

№ 16808-М- сон

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошкармаси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошкармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошкарма бошлиги Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан Тошкент шаҳар мажбурий даволаш наркология шифохонаси номидан, шифохона Бош шифокори З.С.Мухамедов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани қуидагилар хақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи саф бўлинмаси қўриқлаши кўрининида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вактида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. “Буюртмачи” обьектни қўриқлашга топширади ва “Ижрочи” эса ушбу вазифани қуидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошкармаси Бектемир туман қўриқлаш бўлими отряд шахсий таркиби оркали 3 та 24 соатлик (соат 09.00 дан 09.00 гача дам олиш кунисиз) қўриқлаш постлари билан Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси 4-ўйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги Соглиқни саклаш Бош бошкармаси **Тошкент шаҳар мажбурий даволаш наркология шифохонаси биносини** (кейинги ўринларда обьект деб юритилади) Ижрочи қабул қиласи.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, курилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

4. Объектдаги кириш-чикиш, ички обьект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чикиш ва ички обьект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова килиниб унинг ажралмас кисми хисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқкан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнгиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, обьектда ___ иш куни ичидаги саф бўлинмаси қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда сокчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш обьектга ___ иш куни ичидаги йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечирини далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи кўйилмайди, кўйилган Ижрочи эса чакириб олиниади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуидагича хисобланади:

а) пост-соат хисобида кўриқлаш хизмати хисоб варакасига асосан (шартнома 1-илова) тўловни амалга оширилади

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартирishлар киритиш конун ҳужжатларига мувофик ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдикланган ҳолларда кайта кўриб чикилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун колганда **оийлик тўловни 100 фойзи микдорида** амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олуви бўлса, оийлик тўловнинг **100 фойзи** микдорида тўловини кейинги ой бошланишидан **10 кун** оддин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект хисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган оийлик тўловини ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим килишга хаклидир.

Мазкур Шартнома бекор килинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта хисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг хуқуқ ва маъбуриятлари

13. **Буюртмачи қуидаги хуқуқларга эга:**

Ижроидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб килиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузин ҳолатларини тўхтатиши ва йўл кўйилган камчиликларни бартараф килиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб килиш;

Ижрочининг хизматни ташкил килиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат килиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида иккى нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл кўйилган камчиликлар аникланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб килиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарни ундириш.

14. **Буюртмачининг маъбуриятлари:**

мазкур Шартноманинг ажralmas кисми хисобланган 2021 йил “ ” даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустахкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига караб пост курилмалари ва уни иситиш ускуналари, постларо аюла, ички ва шахар телефонлари, ёнгидан кўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатини майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошкалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлани;

хар қандай моддий кимматликларни обьект худудининг девор тўсигидан _____ метр узоқликда (объект жойлашувини хисобга олган ҳолда) жойлаштириши;

Ижрочи билан биргаликда хар чоракда камида бир марта обьектнинг техник мустахкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнгидан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўргигини ўтказиш, аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижроини бу хақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлани;

бинода рёжалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, обьектларни кайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий кимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, обьект ёки унинг бир кисмини башка шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳукукини ўтказиш, кўриқлаш турини;

QIZZIZISTON OCHUBBASI MULLUX OCHUBBASI TOSHKENT SHAHAR QURUGILOSH SOSHLARASI YURUGI CHORAKI TOSHKENT SOSHLARI 20 ____ yil « ____ » da RAQAM: _____ QAYD ETILDI _____  IMZO

ўзгариши ёки қўшимча қўриклиш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳакида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камидан кун олдин огохлантириш;

объектда иш куни якунида қўриклиш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга кадар объекти ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриклишга топшириш. Объектни қўриклишга топширганлик ҳакида ТҚМни хабардор килиб, 5 дакикадан сўнг объектининг қўриклишга қабул килинганлиги ҳакида ишонч ҳосил килиш;

объектни, ёнгидан қўриклиш сигнализацияси билан жихозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриклишга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриклиш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш. қўриклиниадиган биноларда электр жихозларининг, бошка ёнгин манбаларининг ёкилган ҳолда қолиб кетишининг олдиғи олиш ва бегона шахсларнинг объектида колишига йўл қўймаслик;

қўриклинаётган ҳудудда бинодан ташкарида жойлашган моддий қимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта хисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриклишга топшириш:

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриклишга топшириш, қўриклиш тугагандан сўнг қўриклишдан чиқариш;

қўриклиниадиган хоналарнинг бутунилиги бузилганлиги ҳакида ёки объектига бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор килиш ва объектига Ижрочи вакили этиб келгунига кадар қўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриклиш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектидаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид кисми билан таништириш;

15. Ижрочининг хуқуклари:

Буюртмачидан объектида ўрнатилган кириш-чикиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб килиш;

мазкур шартномани тузиш, бажарни, ўзгариши ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошка ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган қўриклиш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофик қўриклиш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофик объекти ҳамда қўриклишга топширилган моддий қимматликларни қўриклишни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриклинаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташкарида жойлашган моддий қимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта хисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чикиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чикилишини назорат килиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектига киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриклиш вактида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгидан қўриклиш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аникланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни кайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакиртириш, текшириш натижалари ва объектни кайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил кишин ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), куроласлахаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга кабул килганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлик аникланган барча камчиликлар хакида Буюртмачини хабардор килиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камидан бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари хамда Ижрочини бу хакда хабардор килиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланадиган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган заар тўғрисида Миллий гвардия навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия вакили стиб келгунга кадар ходиса юз берган жойиниң дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вактида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларни бузин оқибатида етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган заар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан заар етказилганини аникланган ҳолларда заар тўлиқ микдорда копланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган заарининг микдорини аникланни учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, заар микдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган таклирда заар микдори суднинг карори билан аникланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи заарни копламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига карамасдан заар учинчи шахсларнинг жинойи ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган карори билан тасдиқланса;

кабул килиш-топшириш журналида кайд этилмаган мулкка заар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш хамда заарни коплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод



6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартериш ва бекор килиш вактида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни коплаш тўғрисидаги низолар конун хужжатлари белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод килинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошка Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичida ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичida ҳабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод килиш асоси сифатида кўреатишга ҳакли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошкимлари, ер кимирилаши ва бошка табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинилар, порглашлар, давлат хокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор килишга ҳакли.

8-боб. Якуний қоидалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кунидан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблаглари олувчилари билан тузилганда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар кандай ўзгартериши ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳакикийdir.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартериши ёки бекор килиш ҳакидаги тақлифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартериши ёки бекор килиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал килиш муддати куйидагича белгиланади:

Ушбу шартнома 1 (бир) йил муддатга 3 (уч) нусхада тузилиб, биринчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия КББ, иккинчи нусхаси Тошкент шахар Кўриклари бошқармасига ва учинчи нусхаси Буюртмачига берилади. ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунига кадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблаглари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор килиш ҳакида Ижроига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал килиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник кўриклари воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмирилашини талаб килса, бирок Буюртмачи буни рад этса. Ижрои Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида обьектларни кўриклашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг II-бандида кўреатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган холда бир томонлама бекор килишга ҳакли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида кўриклаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган холда бир томонлама бекор килишга ҳакли.

34. **Буюртмачи** алохила обьектларни кўриклашни рад килин ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тўғрисида Ижрочитага бир ой олдин ёзма равишда маълум қилади. (*Эслатма: Банк муассасаси бекор қилини бўйича дукумат қарорлари ва юқори турувчи органларини фармойишлари асос бўлади.*)

35. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига иисбатан кўлланилади деб белгилаб кўйишга ҳаклидирлар. Шартнома муддати туганин томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод кilmайдi.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чикиб Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ хукук ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9-боб. Томонларининг юридик маизиллари ва реквизитлари

“ИЖРОЧИ”

Тошкент шахар Кўриклаш бошкармаси
Тошкент шахар, Марказ-4, Қашкар кўчаси, 3-уй
Х/р: 21 596 000 300 447 995 001
МФО: 00014 ИНН: 202 628 856
ОКОНХ: 97920
Ўз.Р. Марказий банки Бош Бонкармасининг
ХКМ Тошкент шахар
тел:71-234-49-24

“БУЮРТМАЧИ”

Тошкент шахар хокимлиги Согликни саклаш бош бошкармаси Тошкент шахар мажбурий даволаш наркология шифохонаси
Тошкент шахар, Бектемир тумани,
Олтинтопган кўчаси, 4-уй
Х/р:
МФО:
ИНН:
ОКЭД:
тел:

Тошкент шахар Кўриклаш
бошкармаси бўйича



Қ.А.Шодибеков

Тошкент шахар мажбурий даволаш наркология шифохонаси Бош шифокори



.З.Мухамедов



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошкармаси бошлиги



Қ.А.Шодибеков

Республикада жабурий даволаш наркология шифохонаси обьекти
Бектемир туман Кўриқлаш бўлимий саф бўлинмасини таъминлаш учун
2022 йил " " дан бошлаб тузилган

«РОЗИМАН»

Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошкармаси
наркология шифохонаси Бектемир туман
шифохонаси



Мухамедов

ҲИСОБ – ВАРАҚАСИ

Кўриқлаш ойлари	Пост сони	Кўриқлаш вақти ва шартли белги	Бир ойлик кўриқлаш вақти	кўриқлаш пост/соат нархи	Сумма	Жами
Январь	3	24	744	58 304	130134528	130 134 528
Февраль	3	24	672	58 304	117540864	117 540 864
Март	3	24	744	58 304	130134528	130 134 528
Жами						377 809 920

ЖАМИ:

Уч юз етминн етти миллион сакиз юз тўккиз минг тўккиз юз йингирма сўм 00 тийин.

Тошкент шаҳар Кўриқлаш
бошкармаси МИБ бошлиги

Н.Н.Рузибаев

